Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 32 (21. 151) 1992 йил 14 февраль, жума ● Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

1-БЕТ — БЕЙКЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА.

2-БЕТ — ● ХДП: ХАЛҚ БИЛАН БАҚАМТИ ҚАДАМ ТАШЛАЙЛИК

3-БЕТ — ● ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА САДОҚАТ НАМУНАСИ

4-БЕТ — ● ҲАҚИҚАТ БУКИЛАДИ, ЛЕКИН СИНМАЙДИ...

Янгиликлар. Воқеалар. Шарҳлар.

* МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ * ҲИММАТИ БИЛАН ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНМОҚДА * ПРЕЗИДЕНТ НОМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Атак-чечак қилаётган истиқлолимиз кун сайин тўлишиб бормоқда. Халқимиз республика ҳукумати юритаётган сиёсатни зўр диққат билан кузатаётир. Илгарига қараб ташланган ҳар бир қадамимизнинг пишиқ-пухта ва ишончли бўлиши учун жон куйдирмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон мустақиллигига даҳл қилувчи ҳаракатлар қаттиқ зарбага учрамоқда.

Талабалар шаҳарчасидаги тартибсизлик муносабати билан фуқаролардан олинаётган кўплаб хатлар ва шошилинч номаларда ҳам ана шу руҳ мужассамлашган. Қўйида шу хатларнинг айримларини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

ОТАНГИЗГА РАҲМАТ!
Ҳурматли Ислом КАРИМОВ!

Сизнинг пойтахт шаҳар жамоатчилиги йиғилишидаги маърузангизни оиламиз билан эшитдик. 62 ёшга кириб бирон-бир давлат арбобининг бунчалик куйиниб халқимизга қилган мурожаатини эслай олмайман. Маърузангиз менда қаттиқ таассурот қолдирди, жуда юрагим эзилди. Шу сўзларингизни эътиборга олмаган, тушунмаган ва кўзи очилмаган инсоннинг қиёфасини таърифлай олмайман.

Отангизга раҳмат. Бизнинг бахтимиз учун худойимдан Сизга узоқ умр ва саломатлик тилаб қолувчи

Жўра РАҲИМОВ.
Қибрай.

●

ОНА СУТИ ҲАҚҚИ ҲУРМАТИ
Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга!

Мен, Умарова Хурсаной Сирдарё область Комсомол ноҳиясининг 13-мактабида инглиз тилидан дарс бераман. Мен Сизнинг 20 январь куни телевизор орқали сўзлаган нутқингиздан ниҳоятда ларзага тушдим. Ҳаттоки, тунни билан ухламадим. Эндигина улғайиб, томир сураётган ёш ниҳолларни эгиб, шундай ваҳший йўлга бураётган кимлар экан? Мен Сиздан илтимос қиламан, менинг шу қалб сўзларимни, юрагим алангаси ҳароратини шу инсонларга эшиттириб қўйсангиз. Иложи бўлганда эди, юзма-юз туриб шундай дер эдим: Эй азиз инсон. Сен кимдан яралгансан ва бу тошбағирликни, ваҳшийликни, беҳаё-беорликни, сотқинликни, сени авайлаб, ҳалол дили билан, пок виждони билан тарбиялаган муштипар онани оёқ-ости қилишни, она-юртни паймол қилишни ким ўргатди?! Ҳайф сенга, оппоқ она сути! Эссиз-эссиз инсонлик!..

Хатимни тугатар эканман, аввалом бор Сизга саломатлик, омонлик, қилаётган хайрли ишингизда ҳеч олдирмаслик ва омадлар тилаб, икки фарзанд онаси

ХУРСАНОЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устивор йўналишлари ва истиқболларини белгилаш, бозор муносабатларини шакллантиришга доир иқтисодий ислоҳотларни фаол амалга ошириш, мулкчиликнинг барча шакларига мансуб корхоналар ва ташкилотларнинг республика иқтисодий мустақиллигига эришишга, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишга ва шу асосда халқ фаровонлигини оширишга қаратилган баҳамжиҳат ҳаракатларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт комитети негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг концепцияларини, қисқа муддатли ва истиқболдаги режаларни, катта иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилиш, табиий, меҳнат заҳираларидан, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш борасидаги республика ва минтақаларга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

республика аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, унинг энг ночор табақалари ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга оид таклифларни асослаб бериш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, меҳнат да фаоллик ва тадбиркорлик имкониятларини кучайтириш, иқтисодий аҳволни соғломлаштириш йўлларини белгилаш;

республиканинг бозор муносабатларига ўтишида асосий қоидалар ва йўналишларни шакллантириш, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, тадбиркорлик ва рақобатчилик ривожлантирилишини рағбатлантириш, хўжалик механизмини, бошқарув шаклларини ва усулларини такомиллаштириш;

халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга ва маблағ сарфлаш сиёсатини шакллантиришга, тайёр маҳсулотни, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни устун даражада ривожлантиришга, Қорақалпоғистон Республикасини, республика вилоятлари, шаҳарлари ва районларини комплекс равишда тараққий эттиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

баланс ҳисоб-китобларини такомиллаштириш ва халқ хўжалигининг истиқболли натура-қиймат балансларини тузиш асосида таркиб топган умумиқтисодий, тармоқлараро ва ҳудудий номутаносибликларни бартараф этишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш;

чуқур илмий-тадқиқотларнинг, илғор технологиянинг, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг рақобат қилиш қобилиятини таъминлайдиган халқ хўжалигининг илм-фанга асосланган тармоқлари устивор йўналишларини ривожлантириш борасидаги таклифларни асослаб бериш;

хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш, чет эл маблағларидан самарали фойдаланиш, экспорт-импорт ишларини давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш воситасини такомиллаштириш соҳасидаги йўналишларни белгилаш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вазирликларнинг, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотларнинг, маҳаллий бошқарув органларининг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажаришлари учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши, комитетнинг низоми ва тузилмасини тасдиқлаши зарур.

5. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат режа комитетини Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт комитетига айлантириш тўғрисида» 1990 йил 8 декабрдаги Фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 февраль.

● ХДП ҲАЁТИДАН

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ БЎЛДИ

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. ХДП Навоий вилоят кенгаши тузилди.

Пленумда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб Баҳриддин Муртазоевич Рўзиев, иккинчи котиби этиб Людмила Петровна Юрикова, вилоят кенгашининг котиби—Навоий шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб Ўктам Ашурович Нарзиев сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби А. Н. Носиров, Навоий вилояти ҳокими А. А. Айдарқулов қатнашдилар.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИ

СУРАТЛАРДА: инсон ҳуқуқлари миллий қўмитаси таъсис йиғилишидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Тошкентда Киночилар уйида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий қўмитаси ташкил этилиши муносабати билан унинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Бу тадбирда республика жамоат ташкилотлари, турли корхоналар ва хўжаликларнинг вакиллари, олимлар, ёзувчилар ва маданият арбоблари қатнашдилар.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу қўмитанинг энг муҳим вазифалари Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши ва халқаро муносабатларни етарли миқёсда ўрнатаётганлиги туфайли халқаро мажбуриятларни бажаришда, халқаро ҳуқуқ мезонларига риоя қилишда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига қатъий амал қилиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир. Унинг фаолиятида энг муҳим жиҳатлардан яна бири инсон ҳуқуқини ҳурмат қилиш борасида халқаро ҳужжатларга оғишмай фаолият кўрсатишдир.

Бундан ташқари 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси, 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида фактларнинг муҳим қоидаларини республикамиз миқёсида ҳаётга жорий қилишдир.

Таъсис йиғилишида бу қўмитанинг бошқаруви ва унинг ҳайъати тузилди. Унга республикамиз барча областларининг кўзга кўринган ҳуқуқшунос мутахассислари ҳам аъзо бўлиб кирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Талабалар шаҳарчасида кўнгилсиз ҳодисанинг юз берганлигига афсуслик билдирдилар ва ҳалок бўлган талабаларнинг хотирасига бағишлаб Қуръони Каримдан оятлар тиловат қилинди.

Баҳор ҳавосидай илиган кунлар бирдан совуб, қор ёғди. Баҳор арафасида одатда шундай бўлади. Кунлар бир исиб, бир совуб туради. Айни шу кунларда табиий иқлим билан сиёсий иқлим уйғунлашиб кетгандай.

АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер жанобларининг Ўрта Осиё минтақасига сафари айнан шундай шароитга тўғри келди. Жаноб Бейкер вазият шундай оғирлигини билгани учун ҳам қуруқ келмади. Американинг 54 тайёрасига ортилган инсонпарварлик ёрдами олиб келди. Дори-дармон ва тиббиёт ускуналари ортилган ҳаво кемалари бу мурувват юкларини белгиланган манзилларга ҳали ташиб улгурмасиданоқ Европанинг ривожланган мамлакатлари яна ўнта самолётда қўшимча ёрдамини собиқ СССР ўрнида қад ростлаган мустақил давлатларга жўната бошладилар.

Американинг «Боинг» лайнерида Ғарбий Германиянинг Франкфурт шаҳридан ҳавога кўтарилган Бейкер жаноблари дастлаб Кишиневга қўнди. Шу тариқа АҚШ давлат котибининг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйлаб 8 кунлик сафари бошланди. Бироқ, сўнгги маълумотларга қараганда, «Умид» шиори остида ўтаётган бу сафар ўн бир кун давом этиши кутилмоқда. Чунки, давр, мураккаб вазият, учрашувлар ва маслаҳатлашадиган ишларнинг кўплиги шуни тақозо этмоқда.

Дарвоқе Жеймс Бейкернинг сафарида дастлаб Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонга ташриф режалаштирилган эди. Лекин шароит тақозосидан келиб чиқиб, бошқа республикаларга ҳам тушиб ўтадиган бўлди. Шундай қилиб АҚШ давлат котиби ўз сафарини Молдовадан бошлади. У ерда Жеймс Бейкер сиёсий вазият билан қизиқди. Сиёсий кучлар орасидаги беқарорлик, Днестр бўйи ва гагаузлар республикаларини тузишга интилиш, Руминия билан яқинлашиш йўлидаги гуруҳбозликлар вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Молдова президенти М. Снегур билан музокаралар асосан шу хусусда борди.

Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғининг Арманистон раҳбарлари билан музокараларида ҳам танг аҳволдан чиқиш йўлларига алоҳида эътибор берилди. Жеймс Бейкер Арманистон президенти Л. Тер-Петросян билан 1991 йилнинг ноябрь ойида Вашингтонда бошланган фикр алмашувларни давом эттирдилар.

Табиийки, Қорабоғ можаросини бартараф этиш масаласини атрофлича муҳокама қилинди. Зеро, бу масала сўнгги олти ой мобайнида Америка ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлди. Ж. Бейкер бу ердаги вазиятни кузатиш ва таҳлил қилиш ўчун Европа ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгаши қарори билан махсус комиссия келажагини эслатиб ўтди. АҚШ давлат котиби журналистлар билан учрашувда ҳам Қорабоғ муаммосига алоҳида тўхталди. Президентлар Б. Ельцин билан Н. Назарбоевнинг бу борадаги хизматларини юксак баҳолади.

Қорабоғ муаммоси АҚШ давлат котибининг Бокуда Озарбайжон президенти Аёз Мутталибов билан музокараларида атрофлича муҳокама қилинди. Бу муаммони, — деди Ж. Бейкер, фақат тинч йўл билан, ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин. Қорабоғдаги вазият билан яқиндан танишган АҚШ давлат котиби журналистлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг саволларига жавоб қайтарди ва бугунэрта Қорабоғга етиб келадиган кузатувчилар гуруҳи кескин вазиятни бартараф этишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Жеймс Бейкер Туркманистон ва Тожикистон билан танишувдан сўнг Тошкентга йўл олди. Ҳурматли меҳмон Ўзбекистон раҳбарлари билан музокаралар олиб боради.

АҚШ давлат котиби Ўзбекистонга келгунга қадар инсонпарварлик юклари ортилган С—141 самолёти Тошкент аэропортида кутиб олинди. Америка ҳарбий ҳаво кучларининг бундай юк тайёралари шу кунларда Москва, Киев, Минск, Душанбе ва Ереванга ҳам дори-дармонлар олиб келишди. Улар биринчи галда экологик ҳимояга муҳтож жойларга, касалхоналарга, етимхоналар ва қариялар уйларига етказиб берилаётир.

Зеро, АҚШ давлат котибининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ишонч кўприги ўрнатилишига умид бахш этмоқда.

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

ИШОНЧ КЎПРИГИ

Эшитмадим деманглар

ИШЧИ ГУРУҲИ КЕНГАШИДА

● Беларусь пойтахти — Минскда Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари мажлисларида ташкилий ва техникавий тайёргарлик кўриш Ишчи гуруҳининг кенгаши ишламоқда. Мажлис асосан ташкилий масалаларга бағишланганлиги маълум бўлди.

Ҳамдўстлик Қуролли Кучлари Бош қўмондонлиги тақдим этган ҳужжатлар мажмуи ҳам муҳокама этилган. Унда таҳминан 14 та битим лойиҳалари бўлган.

МУЛОҚОТ

● Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл билан учрашди.

АҚШ Президенти мулоқотдан сўнг сўзга чиқди. У Қўшма Штатлар билан Туркия собиқ Совет Иттифоқидаги Кавказ ва Ўрта Осиё республикалари билан биргаликда «ҳамкорликни кенгайтириш» ниятидадир ва уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ва Ғарб билан тезда... алоқа ўрнатишда янги дўстларимизга ёрдам беришнинг янги йўлларини» излаш ниятидадирлар, деди.

ДАВЛАТ БОШҚАРИШНИ ОСОНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

●Италия Вазирлар Кенгашининг Раиси Жулио Андреотти Парма шаҳридаги маросимда сўзга чиқди. Бу шаҳарда ибодатхоналарни таъмирлаш тўғрисидаги битим имзоланди.

Раис давлатни бошқаришни осонлаштириш учун вазирликлар ва идоралар сонини таҳминан икки баравар қисқартириш керак, деган фикрни олга сурди.

ҲАВО ҲАРОРАТИ ПАСАЙИБ КЕТДИ

● Иорданияда шу қиш фаслининг энг қаттиқ совуқ ва қалин қор ёғиши кузатилди.

Мамлакатда чиқадиган «Ар Рай» рўзномасининг ёзишича, айрим районларда қорнинг қалинлиги бир ярим метрга етган. Водийда тун пайтида ҳаво ҳарорати пасайиб, совуқ 8 даражагача етди. Иордания ҳукумати табиий офатдан жабрланганларга ёрдам юзасидан шошилинч чоралар кўрган.

(Ахборотлар жаҳон агентликлари ва марказий рўзномалар маълумотлари асосида тайёрланди).

● ТОШКЕНТ. «Интурист» маданий-ахборот марказида Франция маданияти ҳафталигида учрашувлар ўтказилди. ЎзА мухбири С. ВЕЛИЧКИН Франция элчихонасининг педагогика ва маданий ҳамкорлик бўйича вакиласи Ш. Кантзен (чапда) ва Тошкентдаги «Артернатива» кино дўстлари клуби аъзоси Э. Нэйвертнинг ўзаро мулоқотини суратга туширган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

ТАҲЛИЛ ШУНИ КЎРСАТДИКИ...

• *Сиёсий ташкилот нуфузи*

Фармон Омонов—Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби. 1938 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳини тугаллаган. Агроном. Қарши районидаги «Ленинизм» совхози ва «Коммунизм» колхозида участка агрономи, бош агроном, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида катта агроном, турли даражадаги партия лавозимларида ишлаган. 1971—79 йилларда вилоят партия қўмитасида котиб, республика қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари, «Узсельхозхимия» раиси, Ульянов ва Шаҳрисабз район партия комитетларининг биринчи котиби, вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлган. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис этилгандан буён Қашқадарё вилояти партия ташкилоти қандай ишларни амалга оширди? Бугунги кунда улар олдида турган муҳим масалалар нималардан иборат? Сафларимиз кутганимиздек жипслашиб боряптими?

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойининг қарорлари асосида ҳамда партия Низомида кўрсатилганидек вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари тузилди. Вилоят партия ташкилотининг ишчи аппаратидан тортиб бошланғич ташкилотларигача қайта кўриб чиқилиб, уларнинг фаолияти аниқ мақсадларга йўналтирилди. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари дастлабки кунларданоқ омма орасида иш олиб бориб, аҳоли ўртасида партиявий таъсирнинг самарали бўлишига эришяптилар.

Партиянинг вилоят кенгаши ижроия бюросининг дастлабки мажлисларида яқин вақт ичида амалга ошириладиган ишлар режалари, аппаратимиз тизимини белгилаб олдик.

Қурултой қарорлари ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга биноан кадрлар масаласини кўриш, уларга доир қарорларни қабул қилишда давлат ҳокимияти органларига яқиндан туриб кўмаклашишимиз лозим. Шунинг учун ҳам биз вилоят давлат ҳокимияти органларига, саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари, алоқа ва ўқув юртларига юқори раҳбар лавозимларга ҳар томонлама етук кадрларни тавсия қилиш ва уларнинг сайланиши, тайинланишига эришишни мақсад қилиб ишлаяпмиз. Шу йўналишда бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, кадрлар резерви билан яқиндан шуғулланяпмиз. Вилоят партия кенгаши котиблари кадрларга оид масалани ҳал этишда ХДП аъзоси ҳисобда турган бошланғич партия ташкилотлари фикрини албатта инобатга олмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурини қўллаб-қувватлайдиган парсон, Ульянов ва Қарши район кенгашлари амалга ошираётган ишлар қониқарли бўляпти.

Айни пайтда аппарат ходимларини ўқитиш, уларда амалий иш юритиш кўникмаларини ҳосил этиш диққат марказида турибди. Биз кадрлар билан учрашувда партиянинг ташкилий тузилиши, янги аъзолар қабул этиш, халқ ноиблари билан ишлаш, уларнинг партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда яқиндан ёрдам беришга эътибор беряпмиз. Бу соҳада вилоят ва район рўзномалари, маҳаллий радио эшиттиришлардан ҳам унумли фойдаланаяпмиз.

Партиямиз парламент типида бўлгани учун ҳам ХДП фаоллари Халқ ноиблари Кенгашлари билан яқдил бўлиб иш олиб боряптилар. Вилоят Кенгашидаги ноибларнинг 76,4 фоизи, шаҳар Кенгашидаги ноибларнинг 46,2 фоизи, район Кенгашларидаги ноибларнинг 64,2 фоизи, қишлоқ Кенгашларидаги ноибларнинг 40 фоизга яқини Халқ демократик партиясининг аъзоларидир. 14 та район, шаҳар Кенгаши раисларидан 8 нафари ХДП район кенгаши ижроия бюроси аъзоси. Бу жуда катта куч, албатта.

Партия ташкилотларимиз ана шу жойлардаги аъзолари сафини янада кенгайтиришга, уларнинг обрўсини оширишга катта аҳамият беряптилар. Яқинда Халқ демократик партияси ижроия бюроси аъзоси, вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Холмурод Раҳмонов 240-қишлоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига ноиблар обрўйини ошириш учун улар бажариши лозим бўлган наказларнинг рўёбга чиқишини таъминлаяпмиз.

Партиямиз ўз номи билан халқ партияси. Унинг ташкилотлари мана шуни сира ҳам унутмай ҳамиша омма орасида иш олиб боришлари лозим. Афсуски, ХДП район кенгашлари бу борада оқсаб қолаяптилар. Бу айниқса республика Президенти сайлови даврида кўпроқ кўзга ташланиб қолди. Вилоятимизда И. А. Каримов номзоди учун 79 фоиздан зиёд овоз тўпланди. Табиийки, бу бизни қаноатлантирмайди. Шаҳар ва қишлоқларда омма ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш суст эканлиги, айниқса, Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз ва Баҳористон районларида кейинги пайтларда ижтимоий-сиёсий вазият бўшашиб кетганлиги, партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни тўғри ташкил этмаганлиги сабабли мана шундай бўлди. Бу масалани биз ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси мажлисида атрофлича кўриб чиқиб, айрим партия ташкилотлари фаолиятига тегишли баҳо бердик.

ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг 30 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ёшлар иттифоқи вилоят комитети билан ҳамкорлик шартномаси тасдиқланди. Шунингдек ХДП Китоб район кенгашининг қуйи бўғинларга раҳбарлиги масаласини кўриб чиқдик. Райондаги ижтимоий-сиёсий вазият талабга мутлақо жавоб бермайди. Маъмурий органлар вазиятни барқарор сақлашни таъминлай олмаяптилар. Безорилик, ўғрилик ва чайқовчилик кучайиб кетган. Кенгаш ходимлари бошланғич ташкилотларда камтанкам бўладилар. Партия аъзолари ва партиясизлар билан алоҳида шуғулланмайдилар. Айниқса, зиёлилар орасида жуда ҳам суст иш олиб борилаяпти, партиявий таъсир деярли сезилмайди. Бугунги кун эса зиёлилар ҳисобидан партия сафларини кенгайтиришга эътиборни кучайтиришни талаб қиляпти. Районда эса бунинг акси бўляпти. Район партия ташкилотлари январь ойида атиги 21 кишинигина партия аъзолигига қабул қилишган. Бундай нуқсонлар вилоятнинг бошқа район кенгашларида ҳам рўй беряпти. Ана шуларнинг ўзи кўпгина партия ташкилотлари ҳалига қадар ҳамжиҳатликка, оммаларнинг обрўсини қозонишга эриша олмаганлигини кўрсатиб турибди.

Тўғри, Халқ демократик партиясига янги аъзолар қабул қилишда шошма-шошарликка, расмиятчиликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Биз шуни ҳисобга олиб, партия сафини ўстиришга вазминлик ва талабчанлик билан ёндошаяпмиз. Вилоятдаги мавжуд 958 та бошланғич, 121 та ҳудудий партия ташкилотлари ва 112 та партия гуруҳларида кейинги ойда 1,5 мингдан зиёд киши партия сафига қабул қилинди. Ҳозир партия ташкилотларимиз 33 мингдан ортиқ партия аъзосини ўз сафларига бирлаштирган.

Гарчи вилоятда партия аъзолари сони собиқ КПСС аъзолари сонига тенглашган бўлсада, КПСС аъзоларининг 38 фоиз қисми ҳамон Халқ демократик партияси сафига ўтишга иккиланиб турибди. Шунга кўра, улар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Жойларда ҳудудий партия ташкилотлари тузиб, уларнинг шу ташкилотларга аъзо бўлишлари ва жамоатчилик ишларида қатнашишларини таъминлаш ниятидамиз. Бу партиямизнинг халқ орасидаги обрўйига обрў қўшади. Чунки, ҳудудий партия ташкилотлари сайловларда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Шу билан бирга биз бошқа сиёсий партиялар, жумладан, «Эрк» демократик партияси билан ҳам мулоқот олиб боришга тайёрмиз.

Республика Президенти, ХДП раиси И. А. Каримовнинг халқ манфаатини кўзлаб чиқарган Фармон ва қарорлари ижроси билан боғлиқ масалалар кундалик фаолиятимизда алоҳида ўрин эгаллаган. Шу йўналишда ХДП аъзоси бўлган меҳнат жамоалари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб боряпмиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида вилоятда вужудга келган сиёсий ва иқтисодий тангликни юмшатиб боришда қўлимиздан келган ишни қиляпмиз.

Партиямиз ташкилотлари ўз фаолиятларини янгича услубда ва шаклларда уюштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шубҳасиз, сафларимизни янада жипслаштириб, халқ билан демократик руҳда бақамти қадам ташласак, фаолиятимиз самараси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ф. ОМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

ХДП: савол ва жавоблар

Илтимос, цех партия ташкилотлари қаерда ва қандай қилиб тузилишини рўзнома саҳифасида тушунтириб бersангизлар. Зеро, фақат менгина эмас, партиянинг бошқа аъзолари ҳам ана шундай маълумотларга эга бўлишни исташади.

С. МУТАЛОВ,
Фориш райони.

— ХДП Низомининг 19-моддасида бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотлари ёхуд партия гуруҳларини тузиши мумкин эканлиги айтилган. Низом айни пайтда партия иши таркибининг ана шу икки бўғини ўртасидаги фарқни тилга олмайди. Яъни ўз таркибида цех партия ташкилотини тузадими ёки партия гуруҳини тузадими, буни бошланғич ташкилотнинг ўзи ҳал қилади. Бироқ, ишлаб чиқариш бошланғич партия ташкилотларида цех партия ташкилотларини, ҳудудий бошланғич ташкилотларда эса партия гуруҳларини тузиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузиш тўғрисидаги қарорни бошланғич ташкилот йиғилиши қабул қилади. Бу хилдаги партия бўғинларини ташкил топириш учун эса уларнинг таъсис йиғилишларини ўтказиш зарур.

*

Илгари Компартия бошланғич партия ташкилотида коммунистларга партия топшириқлари бериларди. Энди-чи? ХДП аъзоларига партиявий топшириқлар бериладими? Агар берилса, қай тарзда бўлади?

Ш. АБДУРАҲМОНОВ,
Каттақўрғон райони.

Партия Низомига биноан Ўзбекистон ХДПнинг ҳар бир аъзоси ўзи ҳисобда турган бошланғич партия ташкилотининг ишида қатнашиши ёки ўзгача тарзда партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда қўмаклашишга, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучайтиришга эришиш учун ҳаракат қилишга бурчлидир. Бу ерда гап партиянинг ҳар бир аъзоси фаол сиёсий иш олиб бориши лозимлиги тўғрисида боряпти. Агар, партия аъзосининг ўзи қаерда партияга кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини, ўз фаолиятининг зарур йўналиши ва шаклларини белгилаб олишда қийналгудек бўлса, шу партия аъзоси ҳисобда турган бошланғич ташкилот, ХДПнинг тегишли район ёки шаҳар кенгаши унга ёрдам беришлари керак.

Партия аъзосига партия топшириғи доимий ёки вақтинча тарзда берилади. Буни унга партия йиғилиши, бошланғич ташкилотнинг ижроия бюроси ёки унинг котиби беришлари мумкин. Айрим партия аъзоларига Ўзбекистон ХДП юқори раҳбар ва ижроия органлари, масалан, район партия конференцияси, ХДП район кенгаши, ХДП вилоят кенгашининг ижроия бюроси ва бошқа органлар ҳам партиявий топшириқ беришлари мумкин. Партия аъзосига берилган топшириқни қандай усулларда назорат қилиб боришни эса унга топшириқ берган ташкилот ёки сайлаб қўйилган органнинг ўзи ҳал қилади.

М. ЕЛЬШОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши таҳлил ва таҳмин гуруҳининг раҳбари.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Фарғонада кўп тармоқли «Камолот» улгуржи савдо биржаси ташкил этилганди.

Ана шу биржа дастлабки савдо-сотиқ тадбирини ўтказди. Жами 250 миллион сўмлик 160 хил мол савдога чиқарилди. Унда Тошкент, Термиз, Самарқанд, қардош Қирғизистоннинг Ўш вилояти, шунингдек Афғонистоннинг «Камгар» фирмаси вакиллари қатнашдилар.

● Сирдарё вилоят ижроия комитети «Узгипросельстрой» илмгоҳининг Гулистон бўлимига лойиҳалар тайёрлаб беришни буюрган эди.

Лойиҳачилар буюртмани сифатли қилиб бажардилар, ижроия комитет уларнинг ишидан ҳурсанд бўлди. Бўлим мутахассислари Ховос районида пионер лагери, Сирдарё районининг «Правда» колхозида қариялар уйи, бошқа бир қанча иншоотларнинг лойиҳаларини тайёрладилар. Лойиҳачилар ҳозир Гулистондаги вилоят давлат ҳужжатгоҳи биноси, Ширин шаҳрида никоҳ саройи лойиҳаларини тайёрлаш билан машғулдирлар.

● «Навоийазот» бирлашмаси таркибида бром бўлган елим ишлаб чиқарила бошланди.

Ундан радиоэлектроника соҳасида фойдаланилади. Республикамиз илгари бу маҳсулотни хорижий мамлакатлардан валютага сотиб олардик. Янги корхона эски ишлаб чиқариш биноларида ташкил этилди.

● Ўзбек давлат андозалар комитетининг мутахассислари «Ўзбекгаз» саноати қурилиш бошқармаси Пролетаробод заводининг темир-бетон буюмлари белгиланган андозаларга мос эмаслигини аниқладилар.

Корхонада чиқарилаётган панеллар ва пойдеворбоп блоклар ҳажми, ташқи кўриниши, сифати жиҳатидан талабга жавоб бермас экан. Технологиянинг бузилиши, зарур ускуналар ва арматураларнинг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Бинобарин, тақчиллик сифатсиз бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун асос бўлолмайди. Текшириш натижаларига кўра, вазиятни ўнглаб олгунча панеллар ва блоклар сотиш тақиқлаб қўйилди.

● Термиз темирйўлчиларига 56 хонадонли уй топширилди. Янги уйларга асосий ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларгина эмас, айни вақтда ўқитувчилар, шифокорлар, темирйўлчилар посёлкасида ишлаб турган бошқа ташкилотларнинг ходимлари ҳам кўчиб кирадилар.

Бу 10 ой ичида қуриб битказилган иккинчи уйдир. Бинокорлар яна 3 та шундай уйни қуришга киришмоқдалар. Бу нарса темир йўл узелини ривожлантириш режасида кўзда тутилган. Шу режага мувофиқ яқин йилларда бошқа иншоотларда ҳам кўп ишлари бажариш керак бўлади. Юк қўйиладиган бостирмали ҳовли қурилади. Учқизил станциясида вагонларни юк ортишга тайёрлаш пункти таъмирланади.

(ЎзА).

ЯНГИ ҚУРИЛМА ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Республика Махсус қурилиш-монтаж вазирлигига қарашли 93-кўчма механизациялашган колонна мутахассислари атиги уч иш кунида Шўртон газ мажмуидаги янги блокнинг улкан ускунасини ўрнатишди. Илгари бунга анча кўп вақт кетарди. Бундан олдинги технология блокларини ўрнатишдаги тажриба қўл келди.

Янги қурилма Шўртон газ мажмуидаги иккинчи қурилма бўлиб, газни янги усул ёрдамида турли аралашмалардан тозалайди. Айни вақтда у биринчи қурилмага нисбатан икки баравар кучли ва йилига 2,25 миллиард куб метр зангори ёқилғини қайта ишлаб бера олади. «Волгограднефтемаш» заводи ана шу қурилмани тайёрлади. Корхона жамоасининг куч-ғайратлари билан ускуна қурилиш майдонига белгиланган муддатда келтирилди. У баҳор фаслида ишга туширилади. Газ мажмуининг қуввати эса йилига 16,7 миллиард кубометрга етади.

(ЎзА муҳбири)



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Сурхондарё филиали олимлари «Термиз—32» пахта нави устида иш олиб бормоқдалар. Селекционерлар уни давлат синовига тайёрладилар. Янги нав Оролбўйи районларида экилиши кўзда тутилмоқда.

М. Истомин номли тажриба селекция станцияси қирқ йилдирки, янги навлар устида ишлашяпти. Бу ерда «Термиз—7», «Термиз—14», «Термиз — 16» нигичка толали пахта навлари яратилди.

СУРАТЛАРДА: селекция лабораторияси ходимлари Орзигул Қоракулова (чапда) ва Манзура Диллаева. Селекция бўлими мудири, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, Беруний мукофоти совриндори Е. Гаврилов (чапда) ва директорнинг фан бўйича ўринбосари, Беруний мукофоти совриндори В. Истомин.

И. ХЎЖАЕВ суратлари (ЎзА).

АСОСИЙ ҚОНУН: У ҚАНДАЙ

Ўзбекистон Республикаси — суверен давлат. Ҳар қандай мустақил давлат ўзининг миллий ҳуқуқий тизимига эга бўлади. Шунга биноан ҳозир Ўзбекистоннинг сифат жиҳатидан бутунлай янги ҳуқуқий тизимга асос солинмоқда. Илгари республиканинг қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ғоявий муаммолар кўндаланг бўлмасди. Чунки биз ССР Иттифоқи қонунлари ёки РСФСР Кодексларини шундоққина кўчириб олардик. Эндиликда эса биз Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, миллий ғояларини ва ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи ўз қонунларимизга эга бўлишимиз даркор. Шу боис бизга яқин бўлган Туркиянинг давлат-ҳуқуқий тараққиёти тажрибасини ўрганиш катта амалий аҳамият касб этмоқда.

• *НУҚТАИ НАЗАР*

Дарҳақиқат, бизга республикамизнинг ҳам иқтисодий ва сиёсий шериги сифатида, ҳам тили, маданияти, анъаналари, урф-одати, дини ўзбек халқига жуда яқин бўлган Туркиянинг давлат-ҳуқуқий тажрибаси муҳимдир. Боз устига 1200 йилдан кўпроқ давр мобайнида Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам шариат қонун-қоидалари, мусулмончилик-ҳуқуқ асослари асосида иш юритилди. Халқларимизнинг ҳуқуқий анъаналари, ҳуқуқий тафаккури ва ҳуқуқий онги бирбирига ўхшашдир.

Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизимида республика Конституциясининг ўзак бўлади. Шу қонунларда янги Асосий Қонун фаоллик билан ишлаб чиқилмоқда. Бунда Туркия қонуни модели энг маъқул ва ўзимизда қўлласа бўладиган намуна ролини ўйнаши мумкин. Албатта, бу дегани бошқа мамлакатларнинг Конституцияларини, ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибаларини менсимаслик деган гап эмас. Велосипедни қайтадан кашф қилиб ўтирмаслик учун жаҳон халқларининг ишлаб чиқилган илғор конституциявий, ҳуқуқий тафаккуридаги энг қимматли ва ижобий нарсаларни ҳисобга олиш зарур.

Туркияда сўнгги юз йилдан кўпроқ муддат ичида олтита конституция яратилди. Турк жамиятида рўй берган иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги йирик ўзгаришлар туфайли ана шу конституциялар қабул қилинган эди.

Туркия тарихидаги биринчи Конституция 1876 йилда усмонийлар империяси даврида қабул қилинди. Шу пайтгача Туркияда мутлақ монархия режими ҳукмронлик қилиб, султон Абдулҳамид II қўлида чексиз-чегарасиз ҳокимият жамланган эди. Асосий Қонун Туркияни конституциявий монархия деб эълон қилди. Абдулҳамид давлат бошлиғи деб тан олиниб, унга жуда катта ваколат берилди. У ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан озод қилинган эди. Конституция икки палатали бўлиб, мажлис (парламент) сенат ва депутатлар палатасини кўзда тутарди. Сенаторлар султон томонидан умрбод тайинланса, қуйи палата эса сайланадиган орган эди. Ҳукумат бошлиғи ва унинг маҳкамасига кирган кишилар султон томонидан тасдиқланади. Конституция усмонли фуқаролар юзаки, чўлтоқ бўлсада, ҳуқуқлари борлигини эълон қилди.

Биринчи парламент узоққа бормади. У султон фармойишига биноан тарқатиб юборилди. Иккинчиси ҳам узоқ яшамади. Мажлис тарқатилиб, депутатларнинг бир қисми қамоққа олинди.

Шундай қилиб, Туркиянинг биринчи Конституцияси усмонийлар империясининг ижтимоий давлат тузумини ўзгартирмади. Конституция расман бекор қилинмаган бўлсада тўхтатиб қўйилган эди.

Ёш туркларнинг инқилоби даврида, яъни 1907 йилда 1876 йилги Конституция қайта тикланди. Унинг анчагина қисми 1909 йилда ўзгартирилиб, қайта кўриб чиқилди. Бироқ у бошқарувнинг манархия шаклини сақлаб қолди. Унга муайян даражада парламент бошқаруви белгиларини бахш этди. Султон ҳокимияти жиддий равишда чеклаб қўйилди. Депутатлар палатасининг ҳуқуқлари яхшигина кенгайтирилди. Ижроия ҳокимиятнинг парламентга боғлиқлиги ошди. Султон ҳоҳиш-иродасисиз ҳам ҳукумат шакллантирилаверилди. Лекин 1909 йилдаги иккинчи Конституцияда ҳам аввалгидек турк жамиятини тўлқинлантираётган жиддий ва ўткир муаммолар ўз аксини топмади.

1918 йилда Туркияда манархия тузумига қарши миллий-озодлик кураши бошланди. Шу сабабли 1909 йил конституцияси миллий инқилоб мақсадларига тўғри келмасди. Шу сабабли 1921 йилда «асосий ташкилотлар тўғрисида» 85-қонун қабул қилинди. Бу Туркиянинг ўтиш давридаги муваққат Конституцияси эди. Туркиянинг давлат қурилиши 1924 йилда янги Конституция қабул қилингунга қадар ана шу қонун негизида тартибга солиб турилди. Бу қонунга кўра олий ҳокимият халқники бўлиб, у буюк миллий йиғилиш томонидан амалга оширилар эди. Туркия тарихида биринчи марта ижроия ҳокимият бошлиғи султон эмас, балки, Буюк Миллат мажлиси деб эълон қилинди. Шунга мувофиқ муваққат Конституцияда ҳукумат бошлиғи лавозими кўзда тутилмаган эди. Негаки Буюк Миллат мажлиси раиси айни пайтда вакиллар (ҳукумат) раиси ҳам эди. Асосий Қонун бир палатали парламентнинг ташкил этишини режалаштирди. Айни пайтда унда фуқароларнинг очиқ-ойдин ҳуқуқлари тўғрисидаги муҳим бўлим йўқ эди. У султоннинг тутган ўрни ҳақида лом-мим демади. Давлатнинг динга муносабати тўғрисидаги масалани кўтармади, давлат бошқарувининг янги шаклини аниқ-равшан белгилаб бермади.

1924 йилда Туркиянинг янги, тўртинчи Конституцияси қабул қилинди. У ғарб мамлакатлари конституциялари асосида тузилган эди. Унинг энг асосий муваффақияти шунда эдики, янги Асосий Қонун бошқарувнинг республика шаклини ўрнатиб, унга олтита принцип асос қилиб олинган эди. Буни Мустафо Камол Ота-Турк принциплари деб ҳам айтишади. Конституция бир палатали мажлис (парламент) ташкил этишни кўзда тутди. Мажлис билвосита ўтказиладиган сайловлар йўли билан тўрт йилга сайланадиган ноиблардан иборат бўлиб, жуда катта ваколатларга эга бўлди. Буюк Миллат мажлиси қонунчилик билан шуғулланади. Ижроия ҳокимият эса унда сайланадиган республика Президенти ва Вазирлар Кенгаши орқали амалга оширилди. Туркларнинг асосий ҳуқуқлари тўғрисидаги махсус бобнинг киритилганлиги янги Конституциянинг муайян ютуғига айланди. Шу билан бирга унда турк фуқароларининг иқтисодий-иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисидаги моддалар йўқ эди. Миллий ва аграр муаммолар каби бир қатор масалалар ифода этилмай қолинди.

Хуллас, 1924 йилги Конституция биринчи марта Туркияда давлатнинг янги шаклини Президент раҳбарлик қиладиган парламент жумҳуриятига асос солди.

Собир РАҲИМОВ таваллудининг 90 йиллигига

ЛАШКАРБОШИ

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ўзбек халқининг асл фарзанди, ифтихори, гвардиячи генерал Собир Раҳимов ҳаёт бўлса бугун тўқсон ёшга тўларди, фашист линкори снарядининг парчалари уни тилкапора қилмаганида у ҳозир миллий мустақиллигимиз рамзидай қаторимизда савлат тўкиб юрарди. Собир Раҳимов табиатан баҳодир, жисмоний паҳлавон, ҳаётда қувноқ ва хушчақчақ, айни вақтда ҳарбий бошлиқларга хос бир сўзли, теран фикрли буюк шахс эди.

Назаримда Собир Раҳимов туғма командир эди. Гўё у ҳарбий хизмат учун туғилгандай эди. Шунинг учунми у ўз тақдирини, бутун умрини ўз севимли касби — ҳарбий хизматга, Ватан ҳимоясига бағишлади ва шу мақсад йўлида жон фидо бўлди.

Мен паҳлавон Собир Раҳимовни бор-йўғи уч марта кўрганман. Аммо шу учрашувларда ундан бир умрга тенг таассурот олганман. Мен уни ўзбек халқининг виждони, деб билганман.

Дастлабки учрашув 1934 йили Самарқандда юз берган эди. Ўша кезларда халқимиз Ўзбекистон шўролар жумҳуриятининг ўн йиллигини байрам қилишга тайёрланмоқда эди. Мен «Колхоз йўли» деб аталмиш жумҳурият газетаси топшириғи билан Самарқанд Давлат дорилфунунидан материал уюштиргани боргандим. Тасодифан ажиб бир воқеага дуч келиб қолдим. Тахминан юз отлиқ сара йигит бир хилда бекасам тўн, шоҳи белбоғ боғлаган, чуст дўппини бостириб кийиб, пешонасини шойи қийиқ билан танғиб кенг майдонда машқ қиляпти.

Ўзбекча, отлиқ аскарларга хос кавалерия маршига мос ҳарбий шарқий янграрди. Ҳарбий шарқий сўзлари қулоғимга ёқимли эшитиларди, нақороти тез-тез такрорланарди:

...Миршаропов дивизияси олға!..

Ҳарбий шарқийнинг сўзларидан англадим: Самарқандда жойлашган Миршаропов дивизияси — ўзбек дивизиясининг отлиқ аскарлари Тошкентда бўладиган тантаналарда иштирок этиш учун ҳозирланмоқда. Мухбирлар учун бундай топилдиқ бебаҳо гавҳар. Машқ майдонига кирдим.

Бир киши отлиқ, икки киши тик туриб машқни томоша қиларди. Оқ тулпорда ғоз туриб машқни кузатаётган киши дивком Миршаропов экан. Мен унинг ёқасидаги бир жуфт «ром»басидан суратларда кўзга сингиб қолган сиймосидан танидим. Тик турганларнинг бири сиёсий бўлим бошлиғи Мирзоиров, ёнидагиси аскар комсомоллар раҳбари Набижон экан. Улар отлиқларнинг авангарди раҳбарини мақтаб туришган экан. Набижондан сўрадим:

— Кимни мақтаяпсизлар?

— Парад бошловчи йиғма взвод командирини дивком аъло баҳолади.

— Фамилиясини ёзиб олсам майлими?

— Майли, — деди Мирзоиров. — Исми Собиржон, фамилияси Раҳимов. Яхши командир, аъло чавандоз.

Мен унинг эгарда ўтириши, отни бошқариши, машқдаги кўриниши ва ҳаракатидан кўзимни узолмадим. Эгарда қушдай ғоз ўтирибди. У бошқараётган қора тўриқ қиличдай бежирим, симобдай силлиқ оёқ ташлаяпти, қулоқлари қамишдай, боши кўкка етгудай. Чавандознинг ўзи афсонавий баҳодирларни эслатадиган басавлат, офтобда пишиб, шабададa қорайган юзи Амир Темурни эслатадиган бир сиймо.

Машқлардан кейин икки оғиз сўз сўрашга улгурдим. Эскадрон командири камгап, камсуханлигиданми ёки шошилиб турганми учунми, ўзи ҳақида «Тошкентликман, ҳарбийга чақирилганимдан бери кавалеристман» деди, холос. Аммо отлиқ аскарлари ҳақида гапираркан юзларида кулдиргичлари ўйнаб, садафдай тишлари ялтиллаб кетди.

Самарқанддан ёзган репортажларимда шу ҳақда гувоҳлик берганимдан мамнунман. Бироқ 1937 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, ўзбек дивизияси сапёрлар батальонига борганимда суриштириб у кишини тополмадим. Орадан сал ўтмай миллий қўшинлар, шу жумладан ўзбек дивизияси тугатилиб, миллий аскарлар Россияга хизматга юборилдик. Миршаропов ва унинг Собир Раҳимовга ўхшаш жанговар командирлари миллатчиликда айбланиб ҳибсга олинибди. Ўша мен кўрган миллий кийимда ўтказилган машқ ҳам уларга айбнома бўлибди. Қандай замон, не-не қулфатларни кўрмади ўзбек ҳарбий зиёлиси. Эссиз, умрга аттанглар...

Иккинчи учрашувимиз ҳам жуда қисқа бўлди. 1942 йили мен Москвада ҳарбий инженерлик академиясининг қайта тайёрлаш уч ойлик курсини битириб, Ғарбий фронтга — 5-гвардиячи танк армияси ихтиёрига йўлланма олиб бораётганимда «Москва» меҳмонхонаси олдида шошилиб, «Эмка»га ўтираётган генерал Собир Раҳимовни кўриб қолдим.

Шу вақтга келиб Собир Раҳимов Харьков ҳимояси-ю, Москва мудофаасида катта жанговар хизмат кўрсатиб, кўкраги 1936 йилда олган «Қизил Юлдуз» нишони ёнида жанговар «Қизил Байроқ» ва бир неча нишонлар қўшилиб, баткомликдан полкком ва дивкомликкача етган, урушга майор бўлиб кириб гвардиячи генерал-майор даражасига етган машҳур ҳарбий саркарда бўлиб танилганди. Урушнинг ўша даврида миллий жумҳуриятлар ҳуқуқининг ортиши, уларда Ташқи ишлар вазирлиги, миллий жумҳуриятларнинг Мудофаа вазирликлари тузилиши ҳақида гап юрарди. Собир Раҳимов Ўзбекистоннинг биринчи мудофаа вазири бўлиши керак эди. Уни шу лавозимга тайинлаш учун Москвага чақирган эдилар. Ҳатто М. И. Калинин имзоси билан қарор ҳам чиққан эди. Ташқи ишлар вазирлиги тузилдию, мудофаа вазирлиги тузиш тўхтатиб қўйилди.

Бунинг сабабини ўша учрашувда Собир Раҳимов ҳам ошкора айтмади, авзойидан билдимки, у Москва раҳбарлари сиёсатидан норози эди. Ўрисчалаб: «не хочу бит штабной крисой» деди, кейин босқинчи фашистларни қуритмагунча жанг майдонидан ҳеч қаёққа бормаслигини айтди. Қучоқлашиб хайрлашдик.

— Бир фронтда эканмиз, ўша жойда учрашамиз!

Ҳарбий маълумотларда, олий бош қўмондон буйруқларида Собир Раҳимов дивизияси ва унинг номи тез-тез тилга олиниб турди. У Подольск, Старая Русса, Великие Луки, Харьков, Ростов-Дон, Шимолий Кавказ жанглари ботири, Сталинград ва Курск ёйи жанги номаси қаҳрамони сифатида донг чиқарди. Унинг дивизияси машҳур 65-армия сафида Польша ва Германия ерларига кириб борди ва неча бор олий бош қўмондон буйруғи билан раҳматномалар олди. Ниҳоят, машҳур лашкарбоши Собир Раҳимов билан Гданск оралиғида учинчи бор учрашишга муяссар бўлдим.

Ўзбекистон Республикасининг йигирма йиллиги кунларини нишонлаган эдик, Халқимиз емай-ичмай ўз жамғармасига сотиб олган уч юзта танк, олтмишта ўзиюрар тўпларни бизнинг гвардиячи 3-танк корпусига совға қилиб юборганди. Танклардан тортиб тўппончаларгача «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» деб оқ бўёқда ёзиб қўйгандик. Собир Раҳимов бундан хабардор эди, бир армияда, бир йўналишда жанг қилаётган бўлсак-да, у киши ўзбек халқи юборган совғани ўз кўзи билан кўрмоққа муштоқ эди. Гданск (Данциг) учун жанглар орасида рухсат сўраб 37-гвардиячи дивизия штабига — генерал-майор Собир Раҳимов ҳузурига «Т—34» танкида бордим. Танкни пана жойга яшириб, дивкомнинг КПсига кирдим.

— Ҳизирни йўқласам бўлмайдими, — деди Собир ака қучоқ очиб.

— Сизга совға олиб келдим, — дедим ҳазиломиз.

— Танкда келдингизми, ўзбеклар юборган танкдами?

— «Совет Ўзбекистони йигирма йиллиги» танкида.

— Офарин, офарин, қани юринг ўз кўзим билан кўрай.

Қаттиқ отишмалар борарди. Фашистларнинг Шарқий Пруссия, Болтиқбўйи ва Помераниядан қувиб келиб, денгиз соҳилига қисиб қўйилган миллионли армиясини қириб ташлаш учун жанг қилмоқда эдик. Собир Раҳимов гвардиячилари Сталинград ва Курск ёйида синалган 65-армия авангарди эди. Бошимиздан снарядлар, миномёт ракеталари ўтиб турибди. Жарликдаги «Т—34»нинг зирҳини қучоқлаб, унинг бағридаги «Ўзбекистон йигирма йиллиги» ёзувини ўпди. Бу — унинг ўз халқига қилган яна бир бор қасамёди эди.

Сталинградда трактор заводини ҳимоя қилаётган пайтда ўзбек халқининг Сталинград ҳимоячиларига ёзган мактубини ўқиганида у сталинградчи ўзбеклар номидан ёзилган жавоб мактубига ўз қонини сиёҳ қилиб, қайноқ қони билан қўл қўйган эди. Ўшанда разведкачи Хуррам Ашуровнинг биқинидаги ханжарни олиб, тиғида билагидан қон чиқариб, билак қони томчисида имзо чекиб қасамёд қилгани ҳамон ўша ветераннинг кўзи олдида турибди.

Биз Собир ака билан Гданскда учрашамиз, деб хайрлашдик. Афсуски, ўша унутилмас учрашувимиз Собир ака билан охирги ва тарихий учрашув бўлиб қолди. Уч кундан кейин у қаҳрамонона ҳалок бўлди. Аммо унинг гвардиячилари ўз севимли қўмондони учун душмандан ниҳоятда беаёв қасос олдилар ва 65-армиянинг авангарди бўлиб Гданск портига бостириб кирдилар. Фашистларнинг миллионли қўшинлари қириб ташланди, соғ қолганлари сувга чўктирилди. Собир Раҳимов мақсади ҳам амалга ошди. Шундан кейин тез орада Рейхстагга ғалаба байроғи қадалди. Бу тарихий ғалабада Собир Раҳимовнинг ҳиссаси беиҳоя. Уни ҳар қанча ардоқласак арзийди!

Генералимизнинг ҳарбий санъати, лашкарбошилик истеъдодига Г. К. Жуков, К. Рокоссовский, армия генерали В. И. Батов катта баҳо берган ва ёзган эдилар.

Ҳозир қаҳрамон туғилган район Собир Раҳимов деб аталади, унинг номида мактаб ҳам бор. Бу яхши, аммо Ўзбекистон мустақил давлат бўлган даврда унинг номини байроқ қилиб кўтариш, ёшларимизни унинг жасорати руҳида, чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Янгитдан тузилаётган ўзбек гвардиячи бригадаси «Гвардиячи генерал Собир Раҳимов» номи билан аталса айни муддао бўларди. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган олий ҳарбий билим юртларининг аълочи талабалари учун Собир Раҳимов номида нафақа таъсис қилинса, Тошкентда Собир Раҳимов музейи очилса.

Генерал Раҳимов кўп асарларга баҳодир образ бўлиб кирган. «Генерал Равшанов» ҳам унинг нусха образидир.

Афсусланиб айтишга тўғри келади: Улуғ Ватан урушида баҳодирлик кўрсатган ва қаҳрамонона ҳалок бўлган ботир паҳлавонларимиз ҳақида битилган асарлар чоп этилмай ётибди. Ҳар қандай қийин шароитда ҳам бундай савобли ишларга имконият яратилмоғи керак. Унинг савобини пул билан, баҳоналар билан ўлчаб бўлмайди.

*

• Кўклам эшик қоқмоқда

ТАДБИРКОРЛИККА НЕ ЕТСИН

ЛЕНИНОБОД РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ШОЛИКОРЛАРИ КЎКЛАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ БОШЛАБ ЮБОРДИЛАР

Мавжуд техникани мавсумга ҳозирлаш, маҳаллий ўғит жамғариш, ариқ-зовурларни тозалаш каби юмушлар жадал олиб борилмоқда. Боиси жорий йил ҳосили бугунги юмушларни тез ва соз ўтказишга ҳам боғлиқ.

Ўтган йили давлат хўжалиги шоликорлари 16 минг 973 тонна майдоннинг ҳар гектаридан 40,9 центнердан шоли янчиб олдилар. Топшириқлар ошириб адо этилди. Давлатга сотилган маҳсулотнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди. Шоли ўриш-янчиш ишларини жуда қисқа муддатларда ўтказишда жатка ва комбайн ҳайдовчиларнинг хизматлари катта бўлди. Ўнлаб механизаторлар мавсумда 130—160 гектар ердаги шолини ўрдилар, 400—450 тоннадан ошириб шоли янчиб бердилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам анча ўзгариш бўлди. Чорва маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум аввалги йиллардан анча кўпайди. Сабзавот, қовун-тарвуз режалари ҳам бажарилди. Хўжаликда биринчи марта буғдой экилиб, мўл ҳосил олинди. Бу ерда шоличилик билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, кичик корхоналар қуриб ишга туширишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Бозор иқтисодиёти пайтида нарх-наволар яна ҳам кўтарилмоқда. — деди давлат хўжалиги директори Қодирберган Қудиёров. — Шунинг учун даставвал хўжалигимиз ишчиларини, қишлоқ зиёлиларини биринчи навбатда ҳимоя қилишимиз керак. Ишчиларга, зиёлиларга 24 сотихдан ер бердик. Ҳар бир оилага 300 килограммдан шоли тарқатилди. Ҳар бир хонадонда сигир ва қўй-эчки бўлиши учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдамиз.

— Йилига 1,5—2 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод 1988 йилдан буён ишлаяпти, — деди ёрдамчи хўжалик раҳбари Қурбон Султонов. — Яқин кунларда соатига бир тонна шоли оқартирадиган тегирмон, соатига 500 килограмм буғдой тортадиган қараз қурилиши битказилиб ишга туширилади. Ўтган йили гилам тўқиш цехи ишга туширилди. Бу йил гилам тўқиш дастгоҳи 12 тага етказилиб, 32—35 хотин-қиз ишлайдиган бўлади. Шундай қилиб, бу йил камида 800—1000 квадрат метр гилам тўқиб чиқаришни режалаштирганмиз. Мана шу ёрдамчи хўжаликлар, кичик корхоналар ишга туширилиши муносабати билан анчагина уй бекалари, ўрта мактабни битказиб чиққан қизларни иш билан таъминланди.

— Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига мўл ҳосил етиштирилди. Сифатли шоли сотганимиз, ёрдамчи хўжаликларда ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганимиз учун ҳар йилгидан кўпроқ соф фойда олишга эришмоқдамиз, — деди хўжалик бош иқтисодчиси Худойберган Тапаев. — Бу йил 12 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олишни кўзлаяпмиз. Унинг асосий қисми шоликорлар, механизаторлар, чорвадорлар ижтимоий турмушини яхшилашга, шу билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига, ишлаб чиқариш базаларини таъмирлашга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарф қилинади.

Шоликор ва механизаторларнинг ойлик маошлари 2,5—3 ҳиссадан ошмоқда. Давлат хўжалигида ҳозир турар жойлар, мактаблар, клублар, шунингдек, бошқа маданий-маиший объектлар фақат хўжаликнинг соф фойдаси ҳисобидан қурилмоқда. Газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш учун водопровод қувурлари ўтказиш, йўлларни асфальт қилиш каби ишлар авж олдириб юборилди.

Бу ишларнинг барчаси тадбиркорлик самарасидир.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

*

Ҳадемай, деҳқонларнинг долзарб дамлари бошланади. Тадбиркорлар эса ҳозирданоқ унга пухта ҳозирлик кўришяпти. Наманган районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг таъмирловчи-слесарлари барча техника восталарини экиш мавсумига созлаб қўймоқдалар. Исмоил Иброҳимов бу борада ёшларга ўрнак.

Механизатор Тошниёз Болибеков эса Пайариқ районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида фаоллик кўрсатмоқда. Хўжаликнинг 1-трактор паркида ҳозирча унинг олдига тушадигани йўқ.

П. АКБАРОВ ва К. ТУРСУНОВ олган суратлар.



*

БЎЛИШИ КЕРАК?

ЁКИ ШУ ХУСУСДА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ

1960 йил 27 майда Туркияда давлат тўнтариши юз берди. Шу йил 12 июнда миллий бирлик қўмитаси 1924 йил Конституциясини бекор қилиш тўғрисида ҳамда муваққат Конституцияни эълон қилиш тўғрисида қонун чиқарди. Шунга мувофиқ мамлакатда қонунчилик ҳокимияти миллий бирлик қўмитасига, ижроия ҳокимият эса давлат бошлиғига, миллий бирлик қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасига берилди.

Миллий бирлик қўмитаси аъзолари янги Конституцияни тайёрлашда фаол қатнашдилар. Шу мақсадда Туркия тарихида биринчи марта таъсис йиғилиши чақирилди. Унга қонун чиқарувчи Олий орган ваколати ҳам берилди. 1961 йил 9 июндан бошлаб референдумда маъқулланган янги Конституция кучга кирди.

1961 йил Конституциясида Франция, Италия, АҚШ, ГФР, Португалия, Япония каби бир қатор мамлакатлар Асосий Қонунларининг жуда кўпгина ижобий томонларидан фойдаланилган эди. Айни пайтда унда Туркиянинг тарихий ва миллий шароитларини ифодаловчи ўзига хос хусусиятлар ҳам акс этган эди. Унда фуқароларнинг оддий конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари принциплари эълон қилинди. 1924 йил Конституциясидан фарқли ўлароқ у касаба уюшмалари ташкилотларини тузишни, иш ташлаш ҳуқуқини, меҳнат қилиш ҳуқуқини, билим олиш ҳуқуқини тан олган, фуқароларга йиғилишлар, намойишлар ва уюшмалар ташкил этиш эркинлиги кафолатини, сиёсий партиялар эркинлигини, матбуот эркинлигини берган эди. Янги Конституцияда Туркия тарихида биринчи марта ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, ишчиларнинг жамоа асосида шартномалар тузиш ҳуқуқини кўзда тутди. 1961 йил Конституциясидаги асосий моддалар давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрнига бағишланган эди. Асосий Қонун парламентининг ваколатларини бирмунча чеклаб ижроия ҳокимиятни кучайтирди. Туркия Буюк Миллат Мажлиси тузилишини ўзгартирди ва конституциявий судни жорий қилди. Аммо, бу Конституцияда ҳам ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ҳақидаги боблар йўқ эди.

1980 йилда Туркияда ҳарбий тўнтариш амалга оширилди. Бу кейинги 20 йил ичидаги учинчи тўнтариш эди. Ҳарбий маъмурлар 1961 йилдаги Конституцияни бекор қилиб, янги Конституцияни яратишга киришдилар. Бу ишда армия намояндалари фаоллик кўрсатдилар.

Адлия комиссияси тайёрлаган Конституция лойиҳасини аввал маслаҳат мажлиси, кейин эса миллий хавфсизлик кенгаши унга айрим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб тасдиқлади. Туркиянинг бу Асосий Қонуни умуммиллий референдумдан сўнг 1982 йил 7 ноябрдан эътиборан кучга кирди.

Ҳозирда амал қилиб келинаётган 1982 йил Конституцияси мамлакат тарихидаги олтинчи Асосий Қонун бўлиб, у кириш қисми, еттита бобдан иборат. Жами 177-модда ва 22-та муваққат моддадан иборат. Кириш қисмида янги Конституцияни қабул қилишга олиб келган сабаблар тушунтириб берилади. Туркия жумҳуриятининг асосчиси ва унинг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк ишлаб чиққан ғоялар ва принципларга садоқат тасдиқланади.

Конституция Туркия жумҳуриятини «Демократик, дунёвий ва ижтимоий-ҳуқуқий давлат» (1-модда) деб эълон қилади. Унда бошқарувнинг республика шакли ҳақидаги қоидалар ўзгартирилиш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланади. 1982 йил Конституцияси 1961 йил Конституцияси сингари миллий суверенитет принципини (6-модда) эълон қилади. Асосий Қонунда ҳокимият вазифаларини ажратиш принципи кўзда тутилган.

Қонун чиқариш ҳокимияти парламентга — Буюк Миллат мажлисига берилган. Ижроия ҳокимиятни эса Республика Президенти ва Вазирлар Кенгаши (8-модда) амалга оширади. Конституцияга мувофиқ олий ҳарбий маъмурий суд, олий молиявий суд ва нифоқларни бартараф этиш суди каби янги олий суд органларини ташкил этиш кўзда тутилган. Конституциявий суд Туркиянинг олий органлари тизимида алоҳида ўрин тутади.

1982 йил Конституциясида турк фуқароларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчларига катта аҳамият берилган. Унда ҳар бир фуқаро асосий ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиб, бу ҳуқуқлар ва эркинликлар дахлсизлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга мувофиқ давлат фуқароларининг ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тўсиқларни бартараф этади. Асосий Қонун барча фуқароларнинг тили, жинси, ирқи, ранги, сиёсий қарашлари, фалсафий эътиқодлари, қайси динга мансублигидан қатъи назар қонун олдида тенг (10-модда) эканлигини эълон қилди. Ягона давлат тили белгиланган.

Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг шахсияти, уй-жойларининг дахлсизлиги, ҳоҳлаган ерида яшаш эркинлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши, инсон қадр-қимматини ерга урувчи усуллар билан қийноққа солинмаслиги ёки ваҳшийларча муносабатда бўлмаслик ҳуқуқлари шахсий эркинликка киради. Конституциянинг 61-моддаси фуқароларнинг сиёсий партиялар ташкил этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Сиёсий партиялар, дейилади. Асосий Қонунда,—демократик ва сиёсий ҳаётнинг ажралмас унсурларидан бири бўлиб, бу партиялар ҳеч қандай рухсат олинмасдан туриб ҳам тузилаверади.

Матбуот эркинлиги, тафаккур эркинлиги ҳар томонлама кафолатланган қисмлардан биридир. 28-моддада «матбуот эркиндир ва у ҳар қандай цензурадан ҳолидир» дейилади. Конституция шунингдек бирлашмалар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш эркинлигини эълон қилади. Бу ҳуқуқлар «жамоат тартибини муҳофаза қилиш мақсадларида» чеклаб қўйилиши мумкин. 54-моддада ишчиларнинг иш ташлаш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

1982 йил Конституциясида фуқароларнинг давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш, бирлашмаларга уюшиш, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш эркинлиги ва бошқалар сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларга киради.

Айни пайтда ушбу Конституцияда ҳам аввалгиларга ўхшаб ижтимоий-иқтисодий тузумга ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига бағишланган бўлимлар йўқ. Конституция «Маҳаллий ҳокимият органлари жамоатчи юридик шахслар бўлиб, уларнинг тузилиш принциплари қонунларда белгилаб берилади» (27-модда) дейишдан нарига ўтмайди.

Туркияда конституциялар яратишнинг тарихий ривожи қисқача шулардан иборат. Хўш, Туркияда конституциялар яратиш тажрибаси бизларга нима бериши мумкин? Биз ўзимизнинг конституциялар яратиш ижодимизда нималарга алоҳида эътибор беришимиз керак?

Бизнингча, Туркиянинг конституциялар ишлаб чиқиш тажрибасидаги қуйидаги жиҳатлар ижобий аҳамиятга эгадир: **биринчидан**, ўзгариб борувчи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни конституциявий йўл билан тартибга солишнинг бир-бирига ўхшашлиги; **иккинчидан**, турк жамияти тараққиётида мураккаб ўтиш даврларида муваққат конституцияларнинг аҳамияти; **учинчидан**, Асосий Қонуни референдум йўли билан ўтказиш; **тўртинчидан**, конституцияда ҳокимият вазифаларини ажратиб бериш принципларини мустаҳкамлаб қўйиш; **бешинчидан**, конституциявий судларнинг конституциявий негизларини белгилаб қўйиш; **олтинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенг конституциявий мажмуи; **еттинчидан**, Мустафо Камол Отатуркнинг олтита конституциявий принципларидир.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

ИЛТИМОС БАЖАРИЛЯПТИ

Сайловчиларнинг илтимосини бажариш халқ нонблари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида муҳим ўрин тутяпти. Бу борада айниқса Шаҳрихон шаҳар Кенгаши ва ижроия қўмитаси кўп иш қилмоқда. Чунончи, 24-Ҳабиб Абдуллаев сайлов мавзеси сайловчилари ўз нонблари Қўчқорбой Абдуллаевдан кўчани текислашга ёрдам бериш, 11-Совет сайлов мавзесида эса нонб Олмос Шониёзовдан Бувайда маҳалла қўмитаси учун бино қуришда кўмаклашишни илтимос қилган эдилар. Ҳар иккала нонб халқ наказини тўла бажарди. 57-Мичурин сайлов мавзесидан депутат Солижон Юсупов ҳам сайловчиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тегишли идоралар билан мулоқотда бўлиб аҳолига қурилиш материаллари ажратишга эришди.

Маҳаллий Кенгашларга ўтган сайловлардан кейин шаҳар Кенгашининг 75 нафар нонби аралашуви билан 5,6 километр масофадаги йўлларга асфальт ётқизилди, 9,3 километр узунликдаги кўчаларга табиий газ тармоқлари тортилди ва водопровод қувурлари ётқизилди. Шаҳар марказига келтирилаётган янги ариқ қурилишига 1 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Энди шаҳарга Катта Фарғона каналидан сув келади. Халқ нонблари бош қўшиб, шаҳарда бахмал фабрикаси, автовокзал, енгил автомашиналарни таъмирлаш устахонаси, 2 та мактаб, битта болалар боғчаси, тиш касалликлари поликлиникаси қурилишига эришмоқдалар.

М. КАРИМОВ.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР таваллудининг 509 йиллигига



БОБУР НИДОЛАРИ

Темур бобомизнинг улуғ нафаси,
Димоғим қатини қитиқлар гўё.
Самарқанд тупроғин келгандай иси
Юртимни эслатар нони Осиё.

Қизиган тандирдир Самарқанд нони,
Қўлимни ёндирар, ёндирар қуёш,
Ўртаркан юрт сеҳри, имони, жони
Дилимни ғам эзар, кўзларимни ёш...

* * *

Севгисиз қалбларда бўлурми сурур,
Мағзи пуч данакдек шалдираб турур,
Дунёнинг ҳикмати айни шу эрур,
Салтанат бевафо, умр ўткинчи.

Султонми, шоирми — одам бўл тугал,
Меҳру садоқатни билавер афзал.
Қулоғингга қуйгил Ҳумоюн ҳар гал.
Салтанат бевафо, умр ўткинчи.

* * *

Ватан ортимдадур, ватан қалбимда,
Ватан ғанимдадир, ватан олдимда.
Она-юрт доғида ўртаб ёндимда,
Чирқиллаб қолди-ей боболар руҳи!

Ватан йўлларида интизор кўзлар,
Бу йўлда қаролиғ бўлди-ей юзлар,
Юрт йўлин тополмай Бобур ҳам бўзлар,
Чирқиллаб қолди-ей боболар руҳи.

* * *

Ой элайди шуъланн
Қарсак чалар ул баҳр.
Уммон аро маёқни
Излар Мовароуннаҳр.

Ой ёғдуси камалак
Ўз нуриға тўймайди.
Юрт доғида мен ҳалак
Кел, кел, дея қўймайди.

Мирза КАРИМ.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Андижон шаҳридаги «Арк ичи»да Бобур тарихий-адабий уй-музейи ишлаб турибди. Олимлар ва ёзувчилар музейни ҳужжатлар ва тарихий манбалар билан бойитишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Афғонистон пойтахти Қобулда Бобур мақбараси. Музей катта илмий ходими Убайдулло Содиқов ва илмий ходим Гуландон Ҳамидова. «Бобурнома» асари дунёга машҳур. Сиз унинг бир саҳифасини кўриб турибсиз.

Ш. АЛИМОВ суратлари (ЎзА).

• Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

● «Ўзбекистон овози»нинг 1991 йил 12—15 декабрь сонларида «Адолат борми!» сарлавҳаси остида республика прокурорининг ўринбосари III даража давлат адлия маслаҳатчиси Т. Қ. Мирзаев билан суҳбат босилган эди. Суҳбатда Т. Гдлян ва В. Иванов тергов гуруҳи фаолиятига доир жиноий ишни олиб борган собиқ СССР Бош прокуратурасининг масъул ходими Виктор Илюхининг одил нуқтаи назари ҳақида фикр юритилган. II даража давлат адлия маслаҳатчиси (генерал-лейтенант унвонига тенг) В. Илюхин Михаил Горбачевга қарши иш қўзғатиб, РСФСР ЖМ 64-моддаси — (Ватанга ҳиёнат) билан уни жавобгарликка тортди. Шундан сўнг жасоратли терговчини тездагина лавозимидан четлатдилар.

В. Илюхин хизмат юзасидан Ўзбекистонга ҳам келган, номи «машҳур» ҳамкасблари Гдлян ва Ивановнинг қилмишларини текширган. Яқинда у шу ҳақда китоб ёзди. Қуйида китобдан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Энг қатъий гап шуки, Гдлян ва Иванов янги ижтимоий шароитда 30-йиллар қатағон аппаратининг анъаналарини давом эттирдилар.

Анатолий СОБЧАК.

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ГДЛЯН МИЛЛИОНЕР БЎЛИБ ҚОЛДИ?

Мусодара қилинган миллионлар, айтиш керак, Гдлян ва унинг тарафдорлари учун энг салмоқли омил. Миллионлар уни кўпчиликка танитди, шуҳрат келтирди. Миллионлар уни матбуот саҳифаларига, телевидение экранига олиб чиқди, сўнгра Иванов иккаловини СССР халқ депутати курсисига ўтқазди.

Ўша миллионлар бўлмаганда, шу соҳада ишловчи ҳамкасблари орасида умуман ҳеч нимаси билан ажралиб турмайдиган икки терговчини мамлакат эҳтимол билмасди ҳам.

Миллионларни телетомошабинларга намойиш қилдилар, суратларини рўзнома ва журналларда чоп этдилар. Миллионлар ёнида Гдлян, Иванов ва уларнинг яқин доирасига кирган терговчилар суратга тушишди.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўз пайтида пуллар, облигациялар ва заргарлик буюмлари олдида суратга олинган.

1988 йил эди. Гдлян сайловолди курашини бошлаган пайт. Унга шов-шув керак эди. У Каракозов иккалови ўша вақтдаги СССР Бош прокурори А. Рекунковни Иттифоқ Прокуратураси залида Ўзбекистонда мусодара қилинган ашъёлар намойишини уюштириш зарурлигига ишонтирдилар. Чамаси, Рекунков бу кўргазма нима учун Гдлянга керак бўлиб қолганини тўкис тушунмади, бирданига мақсад илдизини кўролмади. Балки Бош прокурор прокуратура обрўсини мустаҳкамлашни истаб қолган бўлиши мумкин. Намойишга жуда кўп журналистлар ва сураткаш-мухбирларни таклиф қилдилар. Зал милиция ва ички қўшинлар аскарлари томонидан кучайтирилган ҳолда қўриқланди. Бу тасодифий эмас эди — шошилинч қайта жиҳозланган залга бир неча миллион пул ва қимматбаҳо ашъёлар қўйилди.

Ўша куни яхши эслайман. Соат миллари ўн иккига яқинлашарди. Зал терговчилар, журналистлар, СССР Прокуратураси ходимлари билан тўлдирилган. Мен ўз кабинетимда эдим. Кутилмаганда А. Рекунков билан бевосита уланган телефон жиринглаб қолди. Бош прокурор ўз хонасига таклиф қилди. Мен бешинчи қаватга кўтарилиб унинг кабинетига кирдим. Ўерда Рекунков бир ўзи эдими ёки бошқа биров ҳам бормиди, ҳозир ёдимда йўқ.

— Залда миллионлар намойиши бўлаётгани ва журналистлар таклиф этилганини биласанми? — сўради у.

Мен «ҳа» деб жавоб бердим.

Сўнгра у бу тадбирни бирон нима қилиб тамомлаш ва журналистларга жавоб бериш зарурлигини айтди.

— Пастга, залга тушгинда, матбуот учун бир-икки оғиз сўз айт. Биз катта брифингга тайёрланганимизни хабар қил. Бунинг учун саволлар рўйхатини тузишсин, жавоб берамиз. Ҳозир эса бу томошани тугатиш керак.

Мен унинг кўрсатмасини бажаргани равона бўлдим.

Рекунков мени чақирганни тасодифий эмасди. Ўша пайтда мамлакат прокуратураси тергов Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини сифатида мени вазифалар тақсимотига кўра айни вақтда ўғирликлар, порахўрлик, бошқа суистеъмоллик жиноятлари юзасидан тергов назорати, шундай ишлар терговини кузатиш ва ташкил қилиш бўлимига ҳам мутасадди эдим. Иттифоқ Прокуратурасининг тергов Бош бошқармаси бошлиғининг яна бир муовини Г. Караказов бошчилик қиладиган тергов қисми менинг ваколатимга кирмас эди. Бироқ айнан бизнинг бўлимда мамлакат бўйича юқорида айтиладиган жиноят турлари тўғрисидаги барча ахборот жамланар эди. Шунинг учун Рекунков иттифоқда яширин жиноятга қарши кураш аҳволи ҳақида журналистларга қисқа ахборот бера олишимни кўзда тутган эди. Кейинчалик кўргазма борасида энг юқори идоралардан Рекунковга қўнғироқлар бўлганини билдим. Унга бу тадбир маъқул эмаслигини, соғлом фикрлар уйғотмаслигини айтишган. Журналистлар ҳузурида ўн минутча ҳозир бўлдим, ёнимда Гдлян ва Салаутдинов бор эди. Мен нафақат Ўзбекистонда, бошқа минтақаларда тергов ишлари ҳақида сўзлаётганимда фотомухбирлар мени Гдлян билан суратга олиб улгуришди. Шу расмлар баъзи журналларда босилиб чиқди.

Мен кейинчалик гдлянчилар иши бўйича тергов гуруҳига бошчилик қила бошлаганимдан сўнгра Иванов ўша расмларни эслаб, уни Ленинград телевидениесида кўрсатди. Албатта ўзи истаганча шарҳлади.

Очиғини айтаман, 1989 йилдаги терговнинг дастлабки ойларида Гдлян миллионлари билан қарийб шуғулланмадик. Гарданимизга жуда катта ҳажмдаги ишлар юки босиб тушган эди. Бу фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш, умуман уларни жиноий жавобгарликка тортишдаги қонун бузилишлари билан боғлиқ эди. Терговни бошлар эканмиз биздан тезроқ натижасини айтишимизни талаб қилишларини тушунар эдик — «Гдлян масаласи» атрофида катта баҳслар авжида эди. Боз устига, ҳақиқатан ҳам адолатни тиклаш, айбсизларни оқлаш илтимоси ва талаби билан Ўзбекистон фуқароларидан юзлаб ариза ва жиноятлар ёғилиб келди.

Дастлабки ойлардаёқ биз далилий ашъёлар билан ишдашдаги жиддий қонунбузарлик, Гдлян гуруҳидаги айрим терговчиларнинг суистеъмолчиликлари ҳақида маълумотлар ола бошладик. Маълумотларни олиб бир четга тўпладик. Муҳимроқ сўроқ баённомаларидан нусхалар олдик. Фақат 1991 йилнинг бошига келибгина бизда қимматбаҳо ашъёлар билан шуғулланиш учун вақт ва имконият пайдо бўлди.

Биз эътибор берган биринчи нарса — Гдлян ўз ишини кўз-кўз қилиб тилга олган рақамларнинг турлича эканлиги бўлди. У бир жойда 40 миллион деса, бошқасида 44 миллион дерди. Сўнгра матбуот ва телевидениеда у навбатдаги 45-миллионни олиб келди деган хабар айтилди. Гдлян ва унинг гуруҳи қанча мусодара қилдию аслида қанчасини давлат хазинасига қайтарди?

Бу саволга жавоб бериш мушкул эди. Гап шундаки, ўша пайтда тергов қисмида далилий ашъёларнинг қатъий ҳисоби ва назорати йўқ эди. Каракозов, Гдлян Чижук, Иванов ва баъзи бировлар ишдан бўшатилгандан сўнг тартиб ўрната бошладилар. Биз олиб борган тергов ҳам бунга туртки бўлди. Гдлян ишларида мусодара қилинган пуллар, облигациялар ва заргарлик буюмлари номма-ном ҳисобланмаганлиги ҳақиқатнинг тагига етишда энг катта тўсиқ бўлди, ҳамма нарса бир уюмга тўпланиб битта қопга солинар, бундан кейин кимдан нима олинган, кимга нима тегишли эканлигини ҳеч ким аниқ айтолмасди.

Шунга қарамасдан, ҳар қалай Гдлян ўзи мусодара қилган 45 миллион ҳақида гапириб катта кетганини тасдиқлай оламан.

Т. Гдлянниг шуҳратпарастлиги, ўзини-ўзи улуғлашини яхши била туриб, 45 миллион ҳақиқат эканлигига ишонмадим. Қимматли ашъёларни сақлаш ва ҳисобга олишдаги бош-бошдоқлик мени ташвишлантирарди. СССР Бош прокурори А. Сухаревга мурожаат қилиб, Гдлян 1983—1988 йилларда олиб борган ишлардаги далилий ашъёларни тўла рўйхатга олиш, улар ҳаракатини тафтиш қилиш учун юқори малакали махсус комиссия тузишни сўрадим. 1990 йил августида шундай комиссия тузилиб тафтиш қилишга киришди. Бу жуда мураккаб, катта ҳажмдаги қийин иш эди. Тинтув ва олиб қўйиш, далилий ашъёларни кўздан кечириш баённомалари, қимматбаҳо нарсаларни банк ва Давлат ғазнасига топшириш ҳужжатлари синчиклаб ўқиларди. Кўргазма олиш баённомалари, пуллар, заргарлик буюмларини тортиб олиш ва бериш ҳақидаги тилхатлар солиштирилар эди.

Узоқ кунлар олиб борилган ишдан сўнг комиссия якунловчи ҳужжат ва унга илова тарзида жадвалларни тақдим этди.

Ҳулосалар кўпчилик учун сира кутилмаган ҳол бўлди.

Гдлян олиб борган 45 та жиноят иши бўйича мусодара қилинган пуллар ва қимматбаҳо нарсалар қуйидаги маълумотларда аксини топди:

Олинган пуллар:
— 14.679.733 сўм 85 тийин.

Заргарлик буюмлари ва олтинлар:
— 10.526.239 сўм 75 тийинлик;

облигациялар:
— 1.886.830 сўм 50 тийинлик;

бошқа қимматбаҳо нарсалар:
— 889.349 сўмлик;

Жами сумма
— 27.982.153 сўм 10 тийин;

Ҳибсга олинган мол-мулк
— 1.258.130 сўм 77 тийин.

Ҳибсга олинган омонатлар:
— 447.201 сўм 06 тийин.

Жами
— 1.705. 331 сўм 83 тийин.

Шундай қилиб аранг 30 миллион йиғилди. Албатта, бу оз эмас. Бироқ қолган 15 миллион қаерда? Видеотасвирга олинган воқеа: самолёт, пиллапоя, тафассумли Гдлян, унинг кетидан туширилган қоплар, 40 миллиондан орттириб айтилган рақамлар... Мен буни яхши эслаб қолганман.

(Давоми бор).

• СПОРТ

СОВРИН УЧУН КУРАШ

● **МАЪЛУМКИ, олимпиада спортчиларнинг халқаро миқёсдаги йирик анжумани ҳисобланади. Бундай мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи ҳар бир спортчи учун зўр фахр ва мукофотдир.**

Шунга қарамай, олимпиада қатнашчисининг ҳар бири ўзининг бор куч ва маҳоратини ишга солиб, фахрли ўринлар учун курашаверади. Франциянинг Альбервил шаҳрида давом этаётган мусобақалар ҳам ана шундай қизғин курашга айланмоқда. Ҳар бир мамлакат жамоаси кўпроқ очко ва медаллар олиб, мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси ҳозирча бўш келмай турибди. Спортнинг кўпгина турлари бўйича совринли ўринларни қўлга киритиб, пешқадамлар сафида бўлишга ҳаракат қилинмоқда. Тўртта очко билан олдинда бораётган хоккейчиларимиз навбатдаги учрашувни Чехословакия жамоаси билан ўтказишди. Канада — Норвегия учрашувида 10:0, Франция — Швейцария ўйинида 4:3 ҳисоблари қайд қилинди.

МАҲОРАТ КЎРСАТИБ

● **МУХЛИСЛАР лангар билан сакраш устаси Радион Гатаулинни яхши билишади. У жаҳон рекордчиси донецклик Сергей Бубкадан кейин мутахассислар тан олган иккинчи спортчи ҳисобланади.**

Спортчимиз ёзги олимпиада ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ёпиқ майдонларда 6 метрдан ошиқ маррани эгаллаган Радион яқинда Глазго шаҳрида ўзини кўрсатди. У, бу safar 5 метру 75 сантиметрли баландликни забт этиб, халқаро мусобақа ғолиби бўлди.

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

● **ДУШАНБЕ шаҳрида мавсумолди анъанавий турнири давом этмоқда. Рустам Дўлтабоев хотира-совринни учун баҳсда 26 футбол жамоаси иштирок этмоқда.**

Пахтакорчиларнинг дастлабки учрашувда ғалаба қозонишгани ҳақида хабар қилган эдик. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари «Қайрат» ва Владикавказ спартакчилари билан учрашувларни бир хил — 2:2 ҳисобида якунлашди. Бухоронинг «Нурафшон» футболчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишмоқда. Улар иккинчи учрашувни спартакчилар (1:1) билан ўтказишди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

— турли кичик музейлар, мемориал хоналар, кўргазмалар ташкил этиш;
— хоналарни бадиий безаш;
— таниқли ижодкорлар билан жойларда учрашувлар ташкил этиш;
— турли тилларни (чет эл ва шарқ тиллари) ўргатиш;
— иш олиб бориш ва юритиш;
— оқ-қора ва рангли суратлар ишлаб бериш;
— слайдлар ва микрофильмлар тайёрлаш;
— ҳужжатлардан нусха кўчириш;
— турли жанрларда санъат ва халқ амалий санъати асарлари ишлатиб бериш ва ҳоказолар.

Буюртмалар келишилган муддатда, сифатли тайёрланишига кафолат берилади. Материаллар музей ҳисобидан бўлади. Ишлар шартнома асосида амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 41-02,75, 44-12-68.

«УЗСТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ

16-механизациялаштирилган кўчма колоннасининг ижарачи корхонаси юк кўтариш техникасининг иши ва ер қазиш ишларини бажариш юзасидан ташкилотлар билан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони, Авангард қишлоғи («Инқилоб хиёбони — Тўйтепа» автобусининг «РТС» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 90-52-15, 90-57-23, 90-35-39, 33-17-77.

«СЕРВЕКО-КРОСНА» — ФАЗОВИЙ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ТИЗИМИ

Европа, Ҳиндистон ва Хитой теледастурларининг ажойиб тасвири ва уларни сифатли қабул қилиш. Кеча-ю кундуз давомида — узлуксиз!
— Аъло даражали ишлатиш хусусиятлари!
— 8-16 каналли тизим бўйича масофадан бошқариладиган (ВВС, МТУ, ЕВРОСПОРТ ва бошқа) дастурларнинг улкан кўлами
— Якка тартибда ва оммавий фойдаланиш имконияти.
— Кафолатли ва кафолат муҳлатидаан кейинги хизмат кўрсатиш.

Сиз учун мўлжалланган қулайликлар — биздаги юксак сифат, сервис ва арзон нархлар демакдир.

Таъминот ва мавжуд тизим билан таништирув «Сервеко» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, «Сервеко» қўшма корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-19-73, 34-32-89.
ФАКС: 34-53-91.

КОНВЕРСИЯЛАНАДИГАН ВАЛЮТАНИНГ ЭРКИН МУОМАЛАДА ЮРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

«ИНТУРИСТ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БЎЛИМИ ЖАҲОННИНГ ИСТАЛГАН МАМЛАКАТИГА МАРОҚЛИ САЁҲАТГА ЧИҚИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Сиз бирон бир гуруҳ таркибида ёки якка тартибда чет эл сафарига чиқишингиз мумкин. Биз жуда кўпчиликка манзур бўлган турли хил йўналишларни тавсия этишимиз мумкин.

Эркин муомаладаги валюта ва сўмларда ҳақ тўланади.

Буюртмалар бериш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, 2-уй, «Интурист» маданий-ахборот маркази, 21, 23-хона.

ТЕЛЕФОН: 33-04-57.

«ИНТУРИСТ» воситасида Сиз чинакамига саёҳат қилишингиз мумкин.

●

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг МИКРОБИОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ микроорганизмларнинг намуналари лабораториясининг мудири бўш лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан докторлари ва номзодлари иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7 «Б» уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-25-19, 41-83-31.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Молия олий билимгоҳи жамоаси проректор, профессор Ф. Ш. Каримовга онаси Тожи КАРИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221

№ 32

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.